Мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди

15:53 / 20.10.2018 2996

Аллоҳ таоло Юнус сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدۡ جَآءَتۡكُم مَّوۡعِظَةٞ مِّن رَّبِّكُمۡ وَشِفَآءٞ لِّمَا فِي ٱلصُّدُورِ وَهُدٗى وَرَحۡمَةٞ لِّلۡمُؤۡمِنِينَ ٥٧

«Эй одамлар! Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан мавъиза, кўкслардаги нарсага шифо, мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди» (57-оят).

Эй одамлар! Қуръонни ёлғон деманг! Қуръонни Фалончи тўқиган, деманг! Унинг тўғрисида шубҳа қилманг.

«...сизга Роббингиздан мавъиза» келди.

У сизларга икки дунё бахтига эришишингиз учун керакли мавъизалар, панд-насиҳат ва кўрсатмалар йўллади.

Бу Қуръон оддий китоб эмас, у Роббингизнинг ҳузуридан

«...кўкслардаги нарсага шифо...» бўлиб келгандир.

У қалбингиздаги руҳий, маънавий дардларингизнинг барчасига шифо бўлиб келди. Шуларнинг қаторида сизнинг ичингиздаги

«...мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди».

Ким Қуръонга иймон келтириб, мусулмон бўлса, у ўша одамни ҳидоятга бошлайди, Аллоҳнинг раҳматига эриштиради.